



Жанубий

ҚОЗОҒИСТОН

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 6 февраль, пайшанба, №14 (3515).

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Молия бозорини сошлаш ва ривожлантириш агентлиги раиси Мадина Абилқасимовани қабул қилди. Давлат раҳбарига молия бозорини ривожлантиришнинг ўтган йил якуналари тўғрисида ахборот берилди.

Шунингдек, Қ. Тўқаевга банк шўъбасидаги барқарорлик ҳақида маълумот берилди. 2024 йил бошидан буён банк активлари 19,7 фоизга ўсди, яъни 61,6 триллион тенгега етди. Иқтисодий кредитлаш 20,9 фоизга ёки 33,8 триллион тенгега етди.

Мадина Абилқасимованинг гапларига қараганда, муаммоли активлар бозори масаласини ҳал қилишга қаратилган қонунчиликка ўзгартиришлар киритилган ва бунинг учун биринчи рақамли платформа ишга туширилди.

Рақобатни кучайтириш мақсадида банк шўъбасига Жанубий Корея, Қатар ва Бирлашган Араб Амирликларининг банклари жалб қилинди.

Давлат раҳбарига алоҳида тармоқлар ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаш тўғрисида маълумот берилди. 2024 йилда бизнес кредитлари 16,3 фоизга ёки 13,1 триллион тенгега ошган. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларига 18,2 триллион тенге миқдорда янги кредитлар ажратилди.



Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг аҳолининг ортиқча қарз олишини қисқартириш юзасидан берган топшириғига мувофиқ, 2024 йил июнь ойида кредитлаш жараёнида таваккалларни камайитириш ва қарз олувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

юзасидан қонун қабул қилинган эди. Бундан ташқари, 614 минг фуқаронинг 210 миллиард тенге миқдордаги муаммоли қарзлари қайта кўриб чиқилиб, қисман ёки тўлиқ кечирилди.

Агентлик раисининг гапларига кўра, фуқароларни молиявий фирибгарликлардан ҳимоя қилиш мақсадида қонунчиликка янги ўзгартишлар киритилмоқда.

Шунингдек, Давлат раҳбарига суғурта бозорини рақамлаштириш натижалари тақдим этилди.

Фуқаролар уй-жойларини табиий офат хавфидан мажбурий суғурта қилиш тамойили ишлаб чиқилди.

Учрашув якунида Қ. Тўқаев Агентликка молиявий барқарорликни таъминлаш, кредитлаш кўламини янада кенгайтириш, молиявий хизматлар соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш дастакларини кучайтириш юзасидан қатор вазифаларни юклади.

Akorda.kz.



Тинчликпарвар ташаббуслар қўллаб-қувватланади

Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Астана шаҳрига расмий ташриф билан келган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди.

Давлат раҳбари Қозоғистон-Туркменистон муносабатлари барча соҳаларда дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик ҳамкорлик руҳида изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Қ. Тўқаев Туркменистонни Халқаро Тинчлик ва ишонч йилининг бошланиши билан табрикледи.

Муштарак сиёсий ирода туфайли кейинги йилларда Қозоғистон-Туркменистон муносабатларига мутлақо янги руҳ бағишлангани ва икки томонлама ҳамкорлик стратегик тус олгани таъкидланди.

Давлат раҳбари Туркменистоннинг тинчликпарвар ташаббуслари аҳамиятини қайд этиб, Қозоғистон уларни муваффақиятли амалга оширишда бундан буён ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрлигини маълум қилди.

Икки мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг юқори суръати сақланиб, томонларни қизиқтирган долзарб масалалар амалий тарзда илгари сурилмоқда.

Учрашув давомида мамлакатларимиздаги улкан салоҳиятни қардош халқларимиз манфаатлари йўлида ишга солишнинг кенг имкониятларидан фойдаланиш ва самарали дастакларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди.

Ўз навбатида, Рашид Мередов Қозоғистон Президентига Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ва Туркман халқининг Миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг самимий саломларини етказди.

Дипломатнинг сўзларига кўра, Қозоғистон-Туркменистон ҳамкорлиги стратегик хусусият ва узоқ муддатли истиқболга эга. Шу нуқтаи назардан, Туркменистон вакиллари Ашхободнинг Астана билан давлатлараро муносабатларини, барча соҳалар бўйича ҳамкорликни янада кенгайтириш тарafdори эканлигини таъкидлади.

Учрашувда энергетика, транзит-транспорт, маданий-гуманитар соҳаларда аввал эришилган олий даражадаги қелишувлар ижроси муҳокама қилинди.

Akorda.kz.

ҲАР ГЎШАСИ БОҒУ БЎСТОН БЎЛАДИ

Туркистонда барпо этиладиган янги иншоотлар ва биноларнинг лойиҳалари махсус меъморий кенгашда мунтазам муҳокама қилиб борилади. Навбатдаги кенгаш йиғилишида 16та лойиҳа кўриб чиқилди. Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшероф ҳар бир қурилиш лойиҳаси пухта ишлаб чиқилиши ва ҳар томонлама таҳлил қилиниши зарурлигини таъкидлади, дея хабар беради вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

– Қурилишни бошлашдан аввал жойлашуви, иқтисодий асослари ва меъморий услубини синчиқлаб ўрганиш керак. Биз хусусий сармоядорларни қўллаб-қувватлаймиз, лекин лойиҳалар талабларга жавоб бериши керак. Фақат масъул мутахассислар билан муҳокама қилингандан кейингина лойиҳаларни амалга оширишга рухсат берилади, – деди Нуралхан Кўшероф.

Шунингдек, у таклиф этилаётган айрим лойиҳаларни яқунлаш юзасидан кўрсатмалар берди.

Учрашув давомида маҳаллий ҳокимликлар ва тадбиркорларнинг таклифлари тингланди. Муҳокама қилинган йирик лойиҳалар қаторида маъмурий ва ишбилармонлик марказида кўрғазма маркази қурилиши, Қозоғистон - Корея университети, филармония ва галерея бинолари меъморчилиги бўйича таклиф ва тавсиялар муҳокама қилинди.

Дарҳақиқат, Туркистон вилояти мамлакатимизнинг жадал ривожланаётган минтақаларидан бири. Сайёҳлик ва тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги соҳаларида кўплаб муҳим янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шу кунларда вилоят маркази – Туркистон шаҳри том маънода бунёдкорлик майдонига айланди. Бирок тараққиёт бор жойда долзарб масалаларнинг ёнма-ён бориши аниқ. Ичимли сув ва обикор деҳқончилик, пахта нархи, Кентовдаги иссиқлик электр станциясининг фаолияти маҳаллий аҳолини ташвишга солмоқда. Қуйида халқни ўйлантираётган бошқа масалаларнинг ҳал этилиши ва келгусида минтақада амалга ошириладиган лойиҳаларга тўхталамиз.

Туркистонда янги ишлаб чиқариш



орқали халқаро рейслар очилмоқда.

Хорижий давлатлар ва мамлакатимиз ҳудудидан Туркистонга келаётган сайёҳлар сони тобора ортиб бормоқда. Ўтган йили Туркистон халқаро аэропортидан Истанбул ва Қувейтга бевосита рейслар очилди. Октябр ойида Бирлашган Араб Амирликлари пойтахти Абу-Дабига бевосита рейслар йўлга қўйилди. Айни пайтда Ҳукуматга Москва, Анталия, Тбилиси ва Самарқандга авиақатновлар очиш таклифи йўлланган. Астана ва Алматы шаҳарларига ички рейслар сони кўпайтирилди.

Маъмуриятнинг хорижий авиакомпаниялар билан олиб борган музокаралари натижасида 2024 йил 16 январда Туркистон-Абу-Даби ҳаво йўналиши очилган эди. Бундай ҳаво йўлларининг очилиши Туркистон улка-



корхоналарини очиш учун махсус иқтисодий ва саноат минтақалари ташкил этилди. "Turkistan" махсус иқтисодий минтақасида 340 млрд. тенгега 64та лойиҳа амалга оширилмоқда. Улар доирасида 4,5 мингдан ортқ иш ўрни яратилди.

Индустриал минтақаларда 18та сармоявий лойиҳа амалга оширилмоқда. Айни пайтда қўшимча 10та лойиҳани амалга ошириш устида иш олиб борилмоқда. Бу лойиҳалар амалга оширилса, сармоялар ҳажми 16 млрд. тенгега етади, 1,3 мингдан зиёд иш ўрни яратилади.

Шунингдек, ўтган йили миллий лойиҳалар бўйича 337 киши иш билан

таъминланган бўлса, "Меҳнат" йўналиши бўйича 3 мингдан зиёд иш ўрни яратилди. Шу билан бирга, Давлат раҳбарининг "10 минг нафар аҳолига 100та доимий иш ўрни яратиш" топшириғи доирасида 2 мингга яқин иш ўрни очилди. Аҳоли даромадини оширишга қаратилган ишлар давом этмоқда.

Ўтган даврда минтақада ижтимоий соҳада ҳам жуда муҳим лойиҳалар амалга оширилди. 250дан зиёд бино барпо этилди. Уй-жой бинолари, маданият, спорт, таълим, тиббиёт, инфратузилма иншоотлари юрт фаровонлигига хизмат қилмоқда. Шу жумладан, халқаро андазалар асосида спорт мажмуалари барпо этилди.

"Туркистон Арена" ўйингоҳи, Халқаро теннис маркази, "Муз саройи", "Олимпия маркази" спорт мажмуаси ва бошқа бинолар фойдаланишга топширилди. Буларнинг барчаси Туркистоннинг спорт салоҳиятини оширди. Вилоят марказида Туркий давлатлар университети, қозоқ кураши бўйича Осий кубоги, республика мажмуавий спорт ўйинлари, халқаро мусобақалар ташкил этилди.

ҚР Ҳукумати томонидан шаҳарнинг савдо-иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш ва сайёҳлик соҳасини ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Туркистон халқаро аэропорти

сининг хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаб, сайёҳликни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Туркистон – туркий давлатларнинг сайёҳлик пойтахтига айланиши муносабати билан ўтган йили бир қанча иншоотлар фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда вилоят марказини "Туркий олам маркази", "Дўстлик уйи", "Хунармандлар маркази", "Хилват" маънавият маркази, ер ости масжиди, "Кўрғазмалар маркази", "Шарқий бозор", сунъий кўл ва қурилиши давом этаётган 5000 кишига мўлжалланган марказий масжид безамоқда.

А. АБДУҒАТҒОҲ.

МАЪРИФИЙ САЁХАТ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН КАСБИЙ ЙЎНАЛИШГА



ИШЧИ
КАСБЛАРИ
ЙИЛИ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев 2025 йилни “Ишчи касблари йили” деб эълон қилди. Ушбу Фармон мамлакатимиздаги ишчи ва ўрта бўғин касбий мутахассислар тайёрлайдиган коллежларни жаҳон таълим тизимига янада яқинлаштирувчи муҳим қарордир. Бу борада маърифий саёхат технологияси алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу технология дунёдаги техник ва касбий таълим муассасалари ҳақида кенг қўламли маълумот олиш билан бирга, уни педагогик амалиётда қўллаш имконини беради. Ҳозирги кунда Д. Қўнаев номидаги аграр-техника коллежи халқаро андазаларга мослашган ҳолда рақобатбардош таълим муҳитини яратишда фаол иштирок этмоқда.

Маърифий саёхатнинг мақсади – халқаро андазаларга асосланган тараққиёт концепцияси билан яқиндан танишувдир. Дарҳақиқат, инсон дунёни англаш экан, шахс сифатида шаклланиб, маданий маконда ўзини-ўзи тушунишга эришади.

Ушбу технология бир неча босқичларни камрайди. Биринчи босқич – рағбатлантирувчи ва йўналтирувчи қисм. Саёхатга тайёргарлик унинг мавзуси ва ғоясини, тадқиқ этиладиган иншоотларни танлаш ва йўлланма яратишдан бошланади.

Илк саёхатимиз – Франциянинг Лион шаҳрига бўлди. У жойда 47-“WorldSkills Lyon 2024” Халқаро чемпионатида иштирок этиб, таъриба алмашдик. Иккинчи – экспедиция босқичида саёхатнинг ҳар бир манзили учун аниқ вазифалар белгиланди. Жумладан, борилган иншоотлар тадқиқ қилиниб, маълумотлар тўпланди ва таҳлил қилинди.

Маърифий саёхат технологиясининг навбатдаги йўналиши Қозғоғистондаги техник ва касбий таълим муассасалари учун дунёнинг энг йирик автомобил ишлаб чиқарувчи – “Mercedes-Benz” заводига ўқув ишлаб чиқарувчи маркази билан танишиш ва ҳамкорлик ўрнатишга бағишланган семинар бўлди. Таъбир Германия коллежлар уюшмаси ҳамкорлигида уюштирилди. “Тўртинчи санаот инқилоби” дунёвий жараёнларига тўлиқ мос келувчи ишлаб чиқарувчи базасидаги мазкур қайта тайёрлаш маркази меҳнат бозори талабларига мос ишчи касблари мутахассислари тайёрлаш бўйича дунёдаги нуфузли корхонадир.



Шу тариқа коллеж ўқувчилари ва ишлаб чиқариш усталари учун академик мобиллик доирасида халқаро меҳнат бозорига мослашнинг иккинчи босқичи бошланди. Учинчи босқичда сафар якуни чиқарилиб, ижобий натижалар қайд этилди. Жумладан, Германиянинг коллежлар уюшмаси, Франциянинг “Академия де Париж”, Жанубий Корейнинг “Moson Korea University”, Ўзбекистоннинг “2-сонли Вобкент политехникуми” ва “Бўка агротехника техникуми”, Қирғизистоннинг “28-сонли Қирғиз-Россия хўнарскасб лицейи” муассасалари билан бта халқаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Шунингдек, Париж таълим академиясининг қўллаб-қувватлаши билан “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” ва “Пайвандлаш иши” мутахассисликлари халқаро аккредитациядан ўтди. Коллеж талабалари Ақмула, Астана, Кўшкетов, Жамбил вилоятида касбий маҳорат бўйича ўтган республика танловларида ҳам юқори натижаларга эришдилар.

Келгусида коллежда ҳайдовчиларни тайёрлайдиган автомактаб, шунингдек, “Мол наслини сунъий танлаб, кўпайтириш”, “Сут маҳсулотларини қайта ишловчи” кичик корхоналарни очиш режаланмоқда.

Сейдулла АЙКЎЗОВ,
тарих фанлари номзоиди,
Д. Қўнаев номидаги
аграр-техника
коллежи директори.
Сайрам тумани.

ЗОБИТЛИК – МАРДЛАР КАСБИ

Дунёда касблар хилма-хил. Мен бугун муҳим касблардан бири – зобитлик ҳақида фикр юритмоқчиман. Умуман, бугун ҳарбий соҳа мутахассиси бўлишнинг қандай аҳамияти бор? Ҳарбий билим юртини тугатгандан кейин қандай мутахассис бўлиб етишасиз? Бу ҳақда мулоҳаза юритамиз. Сабаби Кенот шаҳрининг Қарноқ қишлоғидаги М. Қошғарий номи мактаб-лицей битирувчи ўқувчилари юртимизга ҳалол хизмат қилиш учун ҳарбий соҳа мутахассислари бўлишга қизиқмоқда. Бу касбнинг ўзига хос машаққатлари ва қизиқарли жиҳатлари мавжудлиги сир эмас.

Зобитнинг дастлабки вазифаси Ватанга чин дилдан ва садоқат билан хизмат қилишдир. Улар заковати юксак, дунёқараши кенг, Ватанга муҳаббат ғояларини ўз дилида жо қилган ҳақиқий ватанпарварлардир. Шунинг учун ҳам улар ўзларига муносиб воқисларни – Ватанга содиқ фуқароларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратади. Замонавий таълим муассасаларида ўқувчи-ёшларга Ватанни химоя қилиш, белгиланган даражада унинг ҳимоячиси бўла олиш юзасидан кенг қамровли вазифалар қўйилмоқда. Ўсимлар мактаб остонасидаёқ Ватанни севишлари, уни химоя қилишлари учун ажодлар аъналарини чуқур ўрганиб, она юрти Халқ қаҳрамонларининг мардлигидан бохабар бўлиши зарур. Шу билан бирга, замонга мос равишда дунёвийлашув жараёнида ҳам миллий ватанпарварлар бўлиб қолиши керак.

Мактаб ўқувчиларини қозғоғистонча ватанпарварлик ва халқпарварлик, Ватанга чексиз муҳаббат, ҳарбий бурчини тўлақонли адо этиш, демократик жамият қонунларига ҳурмат руҳида тарбиялаш ва уларга Қозғоғистон Республикаси ва халқи олдидagi масъулиятини атрофича тушунтиришни ўзимнинг асосий вазифаларимдан бири деб биламан. Шунингдек, ўқувчиларга Қозғоғистон Республикасининг Конституцияси, “Ҳарбий хизмат ва ҳарбий мажбурият”

борасида Ватанни химоя қилишнинг аҳамиятини ҳам батафсил тушунтирам. Бу уларнинг “Бошланғич ҳарбий таълим” курсини ҳар томонлама ва пухта ўрганишлари учун йўл очади. Ҳарбий тайёргарлик дарслари орқали давлат рамзларини ҳам тарғиб қиламан. Булардан ташқари уларни ҳарбий-ватанпарварлик тўғрисида жалб қилиб, маълум тайёргарликдан сўнг мусобақалар ўтказиб бораман.

Ҳарбий тайёргарлик курсини муваффақиятли тугатган ўқувчиларнинг ақсариёти ҳарбий мутахассисликларни танлаб, ўрта махсус ва олий ўқув юрларида таълим олишмоқда. Улар мамлакатимиздаги тўртта таълим муассасаларига ўқишга киришлари мумкин. Жумладан, 11-синфдан кейин Қуруқликдаги қўшинлар Ҳарбий институтига, Радиоэлектроника ва алоқа ҳарбий-муҳандислик институтига, Т. Бигелдинов номидаги Ҳаво мудофаа кучлари ҳарбий институтига ва 9-синфдан кейин Ш. Уалиханов номидаги Ҳарбий коллежда ўқиш имкониятлари мавжуд.

Таниқли педагог К. Ушинский: “Бу-лани ҳар томонлама тарбиялаш учун уни ҳар томонлама билиш керак”, деганида ҳақ эди. Шунинг учун, уларни батафсил билиш ва тушуниш учун ўқитувчига ота-она биринчи ёрдамчи бўлиши лозимлигини тушутириб бораган. Чунки оилада фарзанд ўзини тўлиқ намоён этади. Кўпчилик ўртасида тартинадиган, фикрини тўлиқ айтишга ийманадиган ўқувчиларнинг борлиги сир эмас. Шунинг учун мактаб ва ота-она ҳамкорлиги муваффақиятли бўлса, келажак соҳибларининг ишонч билан олға қадам ташлашларига имконият яратилади. Ота-оналар – халқнинг бир қисми. Халқ – бу инсон. Инсонни севиш ва унга эҳтиром кўрсатиш ватанпарварлик тарбиянинг ажралмас қисмидир.

Лазиз ТҲИМЕТОВ,
М. Қошғарий номидаги
мактаб-лицей бошлангич
ҳарбий таълим ва
технология фани ўқитувчиси.



ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ – “МАНЧЕСТЕР СИТИ”ДА

Дунёнинг энг номдор клубларидан бири, машҳур футбол мутахассиси Пеп Гвардиола мураббийлик қиладиган Англиянинг “Манчестер Сити” футбол клуби ўзбекистонлик Абдуқодир Хусановни ўз таркибига қўшиб олди.

Абдуқодир Хикмат ўғли 2004 йил 29 февралда туғилган. Ўзбекистон фуқароси. Бўйи 186 сантиметр.

Ҳимоячи. Клуби “Манчестер Сити”. Рақами 45. 2019-2021 йилларда “Бунёдкор” жамоасининг 18 ёшгача бўлган жамоасида тўп сурган. 2022-2023 йилларда Минскнинг “Энергетик БГУ” жамоасида 35та ўйин ўтказиб, 4та гол урган. 2023-2024 йилларда Франциянинг “Ланс” жамоасида ўйнади. Ўзбекистон терма жамоаси сафида 18та ўйин ўтказган.



ДАСТАН САТПАЕВ – “ЧЕЛСИ” ЎЙИНЧИСИ

Англиянинг номдор “Челси” клуби “Қайрат” жамоасининг иқтидорли ёш ўйинчиси Дастан Сатпаевни 4 миллион еврога сотиб олди. Машҳур футбол инсайтери Фабрицио Романо “Аристократлар” таркибини кучайтириш мақсадида Қозғоғистон ёшлар терма жамоаси ва “Қайрат” жамоаси ўйинчисини харид қилганини тасдиқлади.

2008 йилда туғилган Дастан “Челси” клуби билан 5+1 кўринишидаги шартномани имзолайди. Лекин, қозғоғистонлик ёш иқтидор соҳибии Лондон жамоаси таркибига 18 ёшга тўлганда қўшилади.

Д. Сатпаевга “Челси”дан ташқари “Байер”, “Реал Сосьедад”, “Бенфика”, “Ред Булл” ва “Зальцбург” клублари ҳам қизиқиш билдиришган эди.

Қайрат кишки ўқув-йиғин машғулотига Д. Сатпаевни асосий таркибга жалб қилган эди. Вақтдан унумли фойдаланиб қолишни истаган Туркиянинг “Самсунспор” жамоаси Сатпаевни зудлик билан харид қилишни кўзлади. Лекин Дастан “Челси”ни тандади.

Натижада Дастан Сатпаев Қозғоғистоннинг энг қиммат сотилган ўйинчисига айланди. Яна бир “Қайрат” ўйинчиси Нурали Алипини “Зенит” жамоаси 2 миллион еврога сотиб олган эди.

ЧЕРЧЕСОВ БОШ МУРАББИЙЛИКДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

Футболдан Қозғоғистон терма жамоасига шов-шувли тарзда келган россиялик мураббий Станислав Черчесов вазифасидан четлатилди. Бунга терма жамоасининг олти учрашувда рақиб дарвозасига биронта гол урмай, атиги бир очко жамғаргани сабаб бўлди.

Шартномада белги-ланганидек, 61 ёшли мураббий ва унинг мураббийлар штаби терма жамоадан кетгач, 1 миллион евро бадал пули олади. Таъкидлаш жоизки, С. Черчесовга Қозғоғистон терма жамоаси мураббийлиги учун йилига 1 миллион 200 минг евро маош тайинланган.



Терма жамоа бош мураббийининг вазифасини вақтинча бажариш учун қозғоғистонлик собиқ футболчи Али Алиев тайинлангани эълон қилинди.

С. Черчесов бундан аввал Венгриянинг “Ференцварош”, Россия терма жамоаси, Польшанинг “Легия”, Москванинг “Динамо”, “Спартак”, Австриянинг “Ваккер-Тироль” ва “Кувфштайн” жамоаларида бош мураббий сифатида фаолият юритган.

Хуршид ҚҲЧҚОРОВ.

»» Қозғоғистон байроғини мағрур ҳилпиратиб

САВРОНЛИК ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Январ ойининг учинчи ўн кунлигида Тошкент шаҳрида волейболдан 18 ёшгача бўлган ўғил ва қиз болалар орасида очиқ халқаро турнир ўтди. BWA Tashkent open сир деб номланган қизгин халқаро беллашувда Ўзбекистон ва Қозғоғистондан олти жамоа иштирок этди.



Вилоятимизнинг Саврон туманидан маҳоратли мураббий Оқилжон Қўчқоров етакчилигидаги ўғил болалар жамоаси чемпионлик шохсупасига кўтарилиб бош совринга сазовор бўлишди. Жамоадаги Ш. Талип, Д. Талип, А. Батирбай, А. Баяшов, А. Тўйчиев, М. Султонбеков, Ш. Аҳмаджонов, Ж. Тожихонов, М. Уринтоевлар маҳоратлари билан муҳлислар олқишига сазовор бўлишди.

Тажрибали мураббийлар Азиз Сапаров, Шерзод Утепов, Каналхан Сабирхан етакчилигидаги қизлар жамоасида В. Воҳидов, А. Яссавий, М. Муса номли умумтаълим мактаблари ўқувчилари Р. Алихонова, У. Сапарова, Х. Темирова, Д. Болташева, Р. Алихонова, З. Абдука-



римова, Г. Абдурахмонова, С. Дадахонова, Г. Йўлдошева, С. Йўлдошевлар фаол ўйин намуналарини кўрсатишди. М. Муса номли мактаб ўқувчилари Милтиқбай Айнура, Қасимбек Айзатларнинг маҳоратини алоҳида таъкидлаш жоиз. Қозғоғистон байроғини мағрур ҳилпиратган захматкаш мураббийлар ва уларнинг голиб шогирдларини халқаро даражадаги муносиб ютуқлари билан муборакбод этиб, янги зафарлар тилаймиз.

Абдуҳамид УМАРОВ,
Туркистон вилоятининг
ибратли фуқароси.

Тасвирда: Голиблар – Саврон тумани йигит-қизлар жамоалари мураббийлари билан.



Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғида истиқомат қилган, нафақадаги ўқитувчи Абдунаби Худойберганаев оламдан ўтди.

Абдунаби ХУДОЙБЕРГАНОВ

А. Худойберганаев шу қишлоқда туғилган, ўсиб, камолга етган. 1970 йили ўрта мактабни тамомлаган. 1971-73 йилларда Владивостокда Армия сафидаги йигитлик бурчини Ҳарбий - денгиз флотига ўтаган.

1974-1979 йилларда Тошкент политехника институтининг Кимё-технология факультетида ноорганик моддалар технологи мутахассислиги бўйича таҳсил олган.

1977 йилда оила қурган. 1979 йили Ўзбекистоннинг Навоий шаҳридаги Металлургия комбинатида меҳнат фаолиятини бошлаган.

1980-1982 йилларда Сайрам мевани қайта ишлаш заводида ишлаган. 1982 йилнинг сентябрь ойидан эътиборан Ҳамза номли 3-сонли ўрта мактабда нафақага чиққунга қадар ёш авлодга химия фанидан билим берди.

А. Худойберганаев уч ўғил

ва бир қизни тарбиялаб, вояга етказган, 13 нафар неваранинг суюқли буважонини эди...

Ҳамза номли ўрта мактаб жамоаси марҳумнинг оила аъзолари, ёру биродарлари ва қариндош-уруғларига ҳамдардлиқ билдириб, чуқур таъзия изҳор қилади. Охира-ти обод бўлсин!

Устоз-мураббийнинг нурли сиймоси ҳамкасблари ва шогирдлари хотирасида абадий сақланади.

3-сонли Ҳамза номли ўрта мактаб жамоаси.

»» Янги Қозоғистон бунёдкорлари

ТАБАРРУК ШАҲАРДАГИ
ИСТИҚБОЛГА ЮЗ ТУТГАН
ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИТУРКИСТОНДАГИ ХАЛҚАРО САЙЁХЛИК
ВА МЕҲМОНДУСТЛИК УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРИ АЛИБЕК
ЖУМАБЕКУЛИ ШУҚПАРОВ БИЛАН МУСОҶАБА

– Ҳурматли Алибек Жумабекули, ҚР Тўнғич Президентини Н. Назарбаевнинг 2018 йил 19 июндаги Туркистон вилоятини ташкил этиш, марказини Туркистон шаҳри этиб белгилаш тўғрисидаги 702-сонли тарихий Фармондан сўнг, сиз раҳбарлик қилаётган университет биноси қурилишига киришилди.

Ҳазрат Ясавий мақбараси жойлашган ҳудудда давлат эҳтиёжи мақсадида янги бинолар барпо этиш учун хусусий уйлари бузиб, аҳолини кўчириш жараёни бошланди. Қаҳратон қиш мавсумида шаҳар ҳокими, марҳум Алипбек Ўсербаев, жамоат ташкилотлари раҳбарлари Жарилқасин Азретбергенов, Жарқинбек Қулбайимбетов, Аскер Абдиханов ва депутатлар биргаликда ҳар бир хонадон эшигини қоқиб, Туркистоннинг истиқболи, давлатимиз сиёсатини сабр-тоқат ила тушунтирганимиз ёдимда. Мана, ўша бузилган хусусий уйлар ўрнида янги иншоотлар, хусусан, сиз раҳбарлик қилаётган халқаро туризм ва меҳмондўстлик университети бунёд этилди. Ўтган йили дорилфунунни илк талабалар тамомлади. 12 февралда Сизнинг олий ўқув юртига раҳбар этиб тайинланганингизга бир йил тўлади. Кўп янгиликларнинг гувоҳи бўляпмиз. Фаол обуначимиз сифатида янгиликлар, режалар ҳақида баён этсангиз.

– Қозоғистонда фаолият юритаётган 119та олий ўқув юртининг 42таси сайёхлик соҳаси учун мутахассислар тайёрлайди. Бизнинг университет Давлат раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган. Унинг кўп қаватли, мустақам қалъа сифатида бунёд этилган кўркам биноси Ҳазрат Ясавий мақбараси ҳудудида жойлашган. Туркистонга ташриф буюрган ҳар бир зиёратчи, сайёх университетимиз билан яқиндан танишиш имконига эга. Дуал ўқитиш тизимига кўчганмиз, яъни, талабаларнинг 60 фоиз вақти хизмат кўрсатиш корхоналарида амалиётда, қирқ фоиз вақти университетимиз аудиторияларида билим олишга сарфланади. Республикадаги 90га яқин йирик

сайёҳларга хизмат кўрсатиш масканлари билан шартнома тузганмиз. Хусусан, машҳур RIXOS меҳмонхоналар мажмуасида меҳнат қилаётган талабаларнинг 82 фоизи бизнинг дорилфунундан. Хорижга, Туркиянинг Анталия ва қатор бошқа сайёхлик агентликлари сўровномаси бўйича 22 нафар аълочи талабага йўлланма берилди. ҚР Маориф вазирлиги таклифи асосида 200та кўшимча лицензия олинди. Тўрт йиллик ўқув дастурини уч йилга қадар камайтириш, эвазига амалиётни кўпайтириш тўғрисидаги таклифимизни талабалар тўғри қабул қилишди. Ўқув-машғулотларини қозоқ, рус тиллари билан биргаликда инглизчага ҳам ўтказишни лозим топдик. Бундай иш тажрибани Самарқанд шаҳридаги университетда кузатиб, пировардида ўзимизда ҳам қўллашни бошладик, сабаби, жаҳон андазаларига мувофиқ бўлиш учун, албатта, талабаларимиз инглизчани мукамал ўзлаштириши шартдир.

Давлатимиз Туркистон шаҳрига бир йилда 5 миллиондан зиёд зиёратчи ва сайёҳларнинг ташрифини режалаштирмоқда. Бунинг учун барча зарур шароитлар муҳайё. Бу биз учун ҳам улкан масъулият. Зеро, меҳмонларга жаҳон андазалари даражасида юксак савияда хизматларини тақдим этишни фақат малакали мутахассислар ёрдамида амалга ошириш мумкин.

– “Жанубий Қозоғистон” газетаси тахририяти доимий обуначи сифатида сайёхлик ва меҳмондўстлик университети реклама варақаларини Кентов, Туркистон шаҳарлари ва Саврон, Сўзоқ туманидаги барча мактаб, коллеж ва ташкилотларга ҳолис ёрдам сифатида тарқатиб бермоқда.

– Ҳолис кўмақларингиздан беҳад миннатдоримиз. Ўтган йили университетимизни илк 460 нафар олий маълумотли, дипломли мутахассис тамомлади. Вилоят ҳокимлиги қошидаги CONGRESS HALL мажмуасида битирувчи талабаларга тантанали равишда дипломлар тақдим этишга бағишланган маросим юксак савияда ўтди. Битирувчиларимизнинг 414

нафари бугунги кунда ўз соҳалари бўйича доимий иш билан таъминланганлиги тинимсиз ва муштарак меҳнатимиз маҳсулидир. Талабаларни ўқишга қабул қилишда илгариги 50 балли кўрсаткични 65 баллга кўтардик. Қувонарлиси, кириш имтиҳонларида билим кўрсаткичи 100 балдан юқори бўлган талабаларимиз сони 32 фоизга кўпайди. Авваллари талабаларимиз, асосан, Шимкент, Қизилўрда, Жамбил, Туркистон вилоятларидан келишарди. Ўтган ўқув йили университетимиз талабалари контингенти Қозоғистоннинг барча вилоятлари ҳамда йирик мегаполисларини тўлиқ қамраб олди. Бу – яна бир муҳим, улкан ютуғимиз. ҚР Президенти Қасим-Жумарт Келмелули Тўқаевнинг туркийлар оламининг маънавий пойтахти ҳамда жаҳон сайёхлик маркази бўлган Туркистон шаҳрига махсус маком бериш хусусидаги ташаббуси университетимиз тараққиётида самарали бўлганлигини эҳтиром ила таъкидлайман.

– Халқаро университет талабалари учун тиббий хизмат ва умумий овқатланиш соҳаларида ўзининг саъй-ҳаракатларингиз ила амалга оширилган кўламдор янгиликларга тўхталсангиз.

– Талабаларимиз ва профессор-ўқитувчиларимиз сони 3200 нафар. Уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида 25 миллион тенге сармоясини шу соҳага жалб этган хусусий тадбиркор билан шартнома туздик. Худди шу тарзда умумий овқатланиш шохобчасини ҳам ташкил этдик. Қозоғистондаги олий ўқув юртли талабаларининг май-июнь ойларида XIII ёғи республика мусобақаларини ҳам айнан бизнинг университетимиз шафелигида Туркистон шаҳрида ўтказиш режаланганини фахр билан таъкидлайман.

– Сизга мустақам саломатлиқ, масъулиятли вазифаларини мақсад туған режаларингизга омад тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: университет ректори Алибек Жумабекули.

ТАРБИЯНИНГ
ОЛТИН ТАМОЙИЛИ

қобилиятини вақтида илғаб, унда мантиқий-ижодий тафаккур, шунингдек, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ушбу жиҳатлар устоздан пухта билим, малака ва маҳорат талаб қилади.

Сўнги йилларда маориф соҳасидаги ислохотлар туфайли мактабларимизда таълим-тарбиянинг мазмунини ҳам, йўналишини ва вазифасини ҳам тубдан ўзгармоқда. Хусусан, замон руҳи ва давр биздан фақат билимли ёшларни эмас, балки заковатли ва одобли инсонларни вояга етказишни ҳам тақозо этмоқда. Шундай экан, биз, педагоглар, жамиятда илғор бўлишимиз, ташаббус, изланишларимиз билан тарбия борасидаги аънаваларни қайта шакллантиришимиз даркор.

Дарс аввалидаёқ устоз

ўқувчиларнинг фикрини мавзуга қаратишга ҳаракат қилиши керак. Дарс давомида тарбиявий мақсад асосида маънавий, ғоявий ва нафосат тарбияси бериб борилади. Тил ўрганиш жараёнида болаларни халқимизнинг маданий-ахлоқий қадриятлари билан таништириб бориш зарур.

Дарсларнинг самардорлигини ошириш мақсадида “Жанубий Қозоғистон” газетаси орқали илғор тажрибамиз билан ўртоқлашиб борайлик. Бундай тажриба алмашиш жараёнлари ҳар қандай даврда таълим-тарбиянинг олтин тамойили бўлиб келган.

Ирода ТОЖИМЕТОВА,
Алишер Навоий номили
13-мактаб-гимназиянинг
бошланғич синф
ўқитувчиси.

Туркистон шаҳри.

»» Обуначиларимиз орасида

АСТАНАДАГИ
АЖОЙИБ ЮТУҒИМИЗЭСКИ ИҚОНДАГИ С. РАҲИМОВ НОМИДАГИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИНИНГ
ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИСИ ШОДИЁНА ЯМИНОВА РЕСПУБЛИКА
ФАН ОЛИМПИАДАСИДА ФАХРЛИ ИККИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ

Тажрибали устоз Зокиржон Саидов раҳбарлик қилаётган Собир Раҳимов номили умумтаълим мактаби устоз ва ўқувчилари эришаётган ютуқлар мўл.



Хусусан, битирувчи синф ўқувчиси Шодиёна Яминова Астана шаҳрида 10-11-синф ўқувчилари орасида ўтган республика олимпиадасида қозоқ тили ва адабиёти фанидан ғолибликка эришиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Ғолиб ўқувчимиз ҳамда унинг тажрибали устози, ҳамкасбимиз Садоқат Абдусатторовани директор Зокиржон Саидов жамоамиз номидан самимий муборакбод этиб, миннатдорчилик билдирди. Ушбу фан олимпиадаси танлови ҚР Маориф вазирлиги Фани Бейсембаевнинг бевосита ташаббуси билан ташкил этилиб, ёш иқтидорларни кашф этаётганига икки йил бўлди. Ушбу танловда келажакда мамлакатимизнинг етакчи олий ўқув юртлирида давлат гранти асосида олий билим олишига ишончимиз комил.

Аҳтамхон АХТАМОВ,
С. Раҳимов номили умумтаълим
мактаби директорининг ўринбосари.Тасвирда: мактаб директори З. Саидов ғолиб ўқувчи ва унинг устозини муборакбод этмоқда.
Муаллиф тасвири.

БИР ОИЛА – БИР КИТОБ



Қорабулоқ қишлоғидаги 17-сонли умумтаълим мактабида “Ўқишга хуштор мактаб” лойиҳаси доирасида Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллигига бағишланган “Бир оила – бир китоб” танлови ўтди.

Қорабулоқ қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, 17-сонли мактаб директори А. Аҳмедов ташаббуси билан ўтган тадбирда мактабнинг 4-синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирок этишди.

Тадбирга тайёргарлик жараёнида ўқувчилар ота-оналари билан “Алдар Кўса”, “Қорбо” каби китобларни ўқиб, улардаги ҳикоялар-

нинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилишни ўргандилар. Китоб ўқиш орқали ўқувчиларнинг давлат тилини ўрганишга иштиёқи кучайди, шунингдек, уларнинг ўзаро ҳурмат, одоб-ахлоқ, маданият, меҳр-оқибат ҳақидаги тушунчалари кенгайди.

Танловда фаол иштирок этган ўқувчилар ва ота-оналар ташаккурнома ва совғалар билан тақдирландилар. Ғолиб ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари эса жорий йили март ойида Туркистон шаҳрига саёҳатга борадиган бўлди.

З. МҸМИНЖОНОВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

»» Заковатли миллат

БИЛИМГА
ИНТИЛАЁТГАН АВЛОД

Бошланғич синфлар бирлашмасида “Билимга интилувчи авлод” мавзуида ажойиб ҳафталик ўтди.

Мақсад – ўқувчиларнинг билимга қизиқишини орттириш, умумлаштиришдан иборат бўлиб, ишлар режа асосида аъло даражада ўтди.

Тадбир ташкилотчилари давр талабига мос кўрғазмалар, интерфаол ўйинлар билан ҳамкасб ва шогирдларининг эътиборини қозонишди. Топшириқларни фаол бажарган шогирдлар совғалар билан тақдирланди.

Ҳар бир очиқ дарсда замонавий ресурслар, сунъий заковат ва баҳолаш услубларидан фойдаланилди. Ҳафталик доирасида синфдан таш-

қари тадбирлар уюштирилиб, улар барча шогирд ва устозларни қувонтирди.

Ўқитувчи билимдон, заковатли бўлсагина, шогирдининг иқтидори юксалади. Билимдон ва иқтидорли раҳбар Баҳром Мирзаев бошқараётган нуфузли зиё маскани улкан мақсадлар, ёшлар келажаги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда.

Ойдинниса ВАФОЕВА,
“Ақын тўма” умумтаълим
мактабининг ўзбек тили ва
адабиёти муаллимаси.

Кентов шаҳри.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВ.Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазжон БҸРОНБОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Қазигурт – Хуршид КҸЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҸМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкибош – Мунира САҸДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Сарюогач – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят Ортиқбой-сиёсий
газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.* Мақолалар, эълон ва билдирувларда факт
ҳақида далилларни таърифи учун муаллиф-
лар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.
* Фонданишмаган мақолаларга ёзма жавоб
қайтарилмайди.Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди,
KZ34VPY00022503 сувоҳнома берилган.*ERNURprint* МБЕ Ёшмакнасида чол этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алмиқтов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11700 нуска.

Биринчи
271.

Набатчи муҳаррир: Хуршид КҸЧҚОРОВ.